

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 5 апрель • № 14 (931)

Нигоҳ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим тизими, шу жумладан соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислоҳ қилишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли фармонига биноан олий тиббий маълумот халқаро стандарт – икки босқичли олий тиббий маълумотга ўтказилди.

Масалан, таълимнинг биринчи босқичи – бакалавриятда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлари қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларини (умумий педиатр, умумий гигиеначи-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисиغا, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи – магистратура 46 тор мутахассислик (жарроҳ, кардиолог, офтальмолог, юқумли касалликлар шифокори ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутди. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда.

Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юртларида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш, мавжуд-

ларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётир.

Шу билан бирга янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий этиш давом эттирилмоқда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль таълиминини жорий этмоқда. Мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланади ва мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўқитиш жараёнида барча жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражасини оширишга оид қарорлар қабул қилинди. Бу ишлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, чунки тиббиёт жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, кўп ҳолларда бугун умумқабул қилинган услуб ва йўналишлар эртага ўзининг долзарблигини йўқотиши мумкин.

Шу боис тиббий таълимнинг барча босқичларидаги ўқув дастурлари таълим жараёнига инсон касалликлари сабаблари ва механизмларини тушуниш, уларга ташҳис қўйиш ва даволашда янгича ёндошувларни жорий этиш орқали мунтазам такомиллаштирилмоқда. Республика, вилоят ва туман даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларида даволаш-ташҳис қўйиш жараёнининг стандарт ва протоколларини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Конференция



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Маълумки, ҳар йили 7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик куни дунё миқёсида кенг нишонланади. Анъанага кўра, ушбу сана доирасида долзарб касалликларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади. Жорий йилда “Қон босимингизни назорат қилинг, юрак, қон-томир касалликларини камайтинг” шиори танлаб олинди.

Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида журналистлар учун ташкил этилган анжуман шу мавзу доирасида кечди.

Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ислохотлар олиб борилаётгани, бу борада авваламбор инсон қадрини, унинг саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бевосита давлатимиз гамжўрлиги остида ечим топаётганига урғу бериб ўтди. Шу ўринда таъкидланганидек, тизим тўлиқ равишда жаҳон андозаларига мос бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Чунончи, кардиология соҳасидаги изчил ўзгаришлар хорижий эксперт ва мутахассислар томонидан эътироф этилиши баробарида ҳамкорлик ришталари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкилоти билан алоқалар ҳам самарали кечмоқда. Бу борада юқумли ва инфекциясиз касалликларни даволаш, олдини олиш мақсадида кўплаб амалий ва илмий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Дунё мамлакатларини саломатлик ҳаракатига бирлаштирган 7 апрель куни ҳам бугунда инсониятни хавотирга солаётган айрим хасталикларга яна бир бор эътиборни кучайтиришга қаратилган.

Айтиш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил топган сана Бутунжаҳон саломатлик куни сифатида нишонланиб, ҳар йили мавзуси ўзгартириб борилади. Қайд этилганидек, айни пайтда қон босими ошиши дунёда муаммога айланиб бораётгани сабаб 2013 йил мавзуси “Қон босимингизни назорат қилинг, юрак, қон-томир касалликларини камайтинг”

Анжуманда маълум қилинганидек, республикаимизда 7-14 апрель кунлари артериал гипертензиянинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳоли орасида соғлом турмушга чорловчи амалий ва тушунтириш ишлари кенг тус олади.

Диёра ОДИЛОВА.
Сурат муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

шиори остида ифода топади.

Анжуманда журналистлар эътиборига кардиология йўналишидаги илм-фан ютуқлари амалиётга жорий этилаётгани, жумладан, коронар артериялар ангиопластикаси ва стентлаш, юрак аритмиясидаги электрофизиология усуллари ҳақида батафсил маълумотлар ҳавола этилди.

– Ўзбекистонда юрак, қон-томир тизими касалликларига қарши курашиш, профилактика ишларини кенгайтиришга қаратилган амалий ҳаракатлар кўлами кенг, – дейди ЖССТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Асмус Хаммерих. – Айтиш ўринлики, кўпчилик ўзининг қон босими юқорилигини билмайди, чунки бу касаллик ҳар доим ҳам белги бермайди, аммо гипертензия, инфаркт, инсульт каби хасталиклар ривожланиш хавфини туғдириши мумкин. Мамлакатимизда тарғибот бобидаги саъй-ҳаракатлар кенг олиб борилаётгани шу боисдандир ва жамият саломатлигига хизмат қилади.

Ўзбекистон жаҳон нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ
САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Мазкур стандарт ва протоколлар далилли тиббиёт асосида мамлакатимизнинг етакчи тиббий таълим ва илмий муассасаларининг саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилмоқда. Далилли тиббиёт интернет-ресурсларда жойлаштирилган аниқ илмий маълумотлар таҳлили асосида тавсиялар ишлаб чиқишни кўзда тутди.

Таъкидлаш жоизки, илмий тиббиёт соҳасидаги интернет-ресурсларнинг 80 фоиздан ортиги инглиз тилидаги манбалардан иборат. Далилли тиббиётдан фойдаланиш, даволаш стандартлари ва протоколларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янгилаш ва натижада профессионал дунёқарашни кенгайтиришга пухта ёндошиш инглиз тилини, илмий интернет-маълумотлардан фойдаланишни билишни тақозо этмоқда.

Беморни "ётган жойида" амалий (клиник) текшириш (беморни кўздан кечириш, беморларни клиник кўриб чиқишда, операциялар, манипуляциялар ва бошқа жараёнларда иштирок этиш) кўникмаларини мажбурий ўзлаштириш тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шу муносабат билан таълим ва ишлаб чиқариш, жумладан, тиббий олий ўқув юрталари ҳамда етакчи клиник марказларнинг интеграциялашуви шифокорларни сифатли тайёрлашнинг муҳим шартларидандир, яъни тиббий олий ўқув юрталари етакчи тиббиёт муассасаларидан клиник база сифатида фойдаланади. Талабаларга билим беришда нафақат олий ўқув юрталари педагоглари, балки илмий ходимлар ва тажрибали шифокорлар ҳам жалб этилади.

Бундай ишлар натижасида юқорида қайд этилганлар мамлакатимиз тиббий олий ўқув юрталарининг профессор ва ўқитувчиларини зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун педагоглар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва бошқа касалликларга қарши кураш, мамлакатда эпидемиологик барқарорликни таъ-

(Давоми. Боши 1-бетда).

минлаш соҳасида халқаро ташкилотлар (ЖССТ, ЮНИСЕФ, Глобал фонд ва бошқалар) тавсиялари ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг юқори самарали тажрибасини фаол ўрганиб, ўқув дастурларига жорий қилмоқда.

Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ЖССТ ва бошқа халқаро тузилмалар Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноёб модели шаклланиши яқдиллик билан таъкидлади. Масалан, Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази (Корея Республикаси) раҳбарининг маърузасида педиатрия соҳаси ва тиббий кадрларни тайёрлаш масалаларида халқаро ҳамкорлик бўйича эришилган натижаларга юксак баҳо берилди.

Мамлакатимиз тиббий олий ўқув юрталарида таълимнинг модернизация қилиниши уларда, жумладан хорижлик талабаларнинг билим олишга қизиқишини оширди. Корея Республикасининг етакчи университетлари билан кенг қўламли икки томонлама муносабатларни йўлга қўйган мамлакатимиздаги етакчи таълим марказларидан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур институтнинг 100 нафардан ортиқ мутахассиси ҳамкорлик дастури доирасида Самсунг, Енсейск университети ва Сеул Миллий университетининг тиббиёт марказларида малака оширди ва тренингларида қатнашди.

Осиё тиббиёт институти раҳбари, профессор Ким Бон Су (Корея Республикаси) 2013 йил 21 январда Кореянинг "World Daily" газетасида эълон қилинган мақолада "Ўзбекистонда тиббий таълим даражасининг юқорилиги Корея тиббий университетлари талабаларининг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни давом эттириши учун катта қизиқиш уйғотди" дейилади. Шунингдек, унда "Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таълим олиш Ўзбекистон тиббий таълимнинг талабаларни кам сонли гуруҳларда юқори малакали мутахассислар томонидан ўқитиш ва амалий дарсларни беморлар "ётган жой"да ўташга им-

кон қадар яқинлаштиришга асосланган ноёб тажрибасининг амалий ифодасидир" дейилган.

Корея томони Тошкент педиатрия тиббиёт институти салоҳиятини инобатга олиб, Корея Республикаси университетларида бакалавр дипломини олган Корея фуқароларини мазкур институтда шифокорликка тайёрлашдан манфаатдор эканини билдирди. 2007 йилдан буён корейлик талабаларни интеграциялашган тиббий таълимнинг модуль тури асосида ўқитиш дастури бўйича Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Корея Республикасининг ўттиз нафар фуқароси ўқишга қабул қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг профессор ва ўқитувчилари томонидан корейлик талабаларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган ҳамда халқаро стандартларга мос тўрт йиллик интеграциялашган ўқув дастури педиатрия соҳасида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилди. Шунингдек, Осиё тиббиёт институтининг ўқув жараёнини модернизация қилишга қўйган ҳиссаси ушбу дастурни амалга оширишда ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

2012 йилда корейлик уч нафар талаба Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимизда олган дипломларини Корея Республикасида нострификация босқичидан ўтказди ва шифокорлик лицензиясини олиш ҳамда Кореянинг етакчи тиббиёт марказларидаги клиника ординатурасида тор мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиш учун давлат тест имтиҳонларини муваффақиятли топширди.

Мазкур натижа Корея томонидан улкан ютуқ сифатида баҳоланди. Негаки, Корея Республикаси университетларини тамомлаган талабаларнинг 20-30 фоизигина биринчи йилда давлат тест имтиҳонларини топшира олади.

"World Daily" газетасида чоп этилган ушбу мақолада муаллиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти битирувчиси Жанг Со Ряннинг миннатдорлик сўзлари-

ни келтирган. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон менга шифокор бўлиш имкониятини яратиб берди ва мен бу мамлакатни энди ўзимнинг иккинчи Ватаним, деб биламан. Келажакда тиббиёт соҳасида тажрибага эга бўлганимдан сўнг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида замонавий ва самарали тиббиёт технологияларини жорий этишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман".

Тошкент педиатрия тиббиёт институти модуль таълимнинг охириги босқич талабаси Со А Ённинг АҚШда лицензияли тиб-

бий имтиҳонларнинг (USMLE) уч босқичидан муваффақиятли ўтгани ҳам ушбу дастурнинг муҳим ютуғи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, унга АҚШдаги етакчи тиббиёт университетларидан бирида клиника ординатураси курси бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берди. Шу муносабат билан Со А Ён Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Ўзбекистонда олий тиббий таълимга эга бўлиш имконини бергани учун қуйидаги миннатдорлик мактубини йўллади:

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Авваламбор, Сизга Ўзбекистон Республикасида менга таълим олиш имконияти яратиб берилгани учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этиш, Сизга мустақам сиаҳат-саломатлик ва масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда мен Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг еттинчи босқичи модуль гуруҳида таҳсил олаётirman. Бу ерда ўқитиш жараёни Сиз маъқуллаган ўқув дастури ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Осиё тиббиёт институти (Корея Республикаси) ўртасидаги ҳамкорликка оид шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мен болалигимдан тиббий маълумот олишни орзу қилардим ва бу имкониятга Ўзбекистон Республикасида эга бўлдим. Шунингдек, Ўзбекистонда эгаллаган билимларимга таянган ҳолда, АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш учун уч босқичли синовдан ҳам муваффақиятли ўтдим. Бу билан Ўзбекистон Республикасида бериладиган олий тиббий таълим даражаси халқаро стандартлардан қолишмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ишончим комилки, бу Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эhtiборингиз самарасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик йўлга қўйилганининг 20 йиллиги билан табриклаш ҳамда Сизга сиаҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётингизда омадлар тилашга ижозат бергайсиз!

**Чуқур эhtiром ила
Со А Ён.**

Корейлик талабаларнинг Ўзбекистонда олган билими ва ортирган тажрибаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти дипломининг Корея Республикаси ва АҚШда эътироф этилиши мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самарасида яратилган таълим даражасининг юқорилигидан далолат беради. Корея томони шуларни эътиборга олиб, Корея Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси тиббий олий ўқув юрталарида тиббий таълим олиш амалиётини кенгайтиришдан манфаатдорлигини маълум қилди. Шу муносабат билан корейлик талабаларнинг Самарқанд Давлат тиббиёт институтида ҳам модуль асосида таълим олиши режалаштирилмоқда.

ЎЗА.

Хабарлар

ПРОФИЛАКТИКА МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вирусология илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида вирусли инфекцияларни аниқлаш, даволаш ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Н. Отабеков, Вирусология илмий-тадқиқот институти директори Э. Мусабоев ва бошқалар мамлакатимизда хавfli юқумли касалликларга қарши кураш аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим бўғини эканини алоҳида таъкидлади. Соҳага оид ҳуқуқий асослар такомиллашгаётгани, тармоқ муассасалари моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланиб, тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ошаётгани, турли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш ҳамда самарали даволаш чора-тадбирлари кўриляётгани қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом фарзанд туғилиши даражаси 98 фоизни ташкил этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, хасталикларнинг олдини олишда аҳолининг тиббий маданияти муҳим

ўрин тутди. Шу сабабли даволаш муассасалари ходимлари жойларда бўлиб, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти ва бошқа омиллар ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тадбирда вирусли гепатит ва ОИТС тарқалишининг олдини олиш, касалликларни эрта аниқлаш, даволашда илғор услуб ва тажрибаларни қўллаш, даволаш ишларининг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан Россия, Швеция, АҚШ, Япония давлатлари тиббиёт муассасалари мутахассисларининг маърузалари тингланди. Юқумли хасталикларни даволашда вируслар ҳамда инсон организмидаги генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда даволашни такомиллаштириш натижасида эришиляётган ютуқлар тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

ОЛИС ОВУЛЛАРДА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 470 ўринли марказий шифохона, 4 поликлиника ва 12 қишлоқ врачлик пунктида таҳқис қўйиш ва даволаш ишлари ташкил этилган.

Ҳозиргача овуллардаги врачлик пунктларининг бештаси реконструкциядан чиқарилиб, замонавий қиёфага эга бўлди. Жорий йилда "Ҳамза" ва "Озодлик" қишлоқ врачлик пунктларини ҳам таъмирлаб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Улуғбек Утемуратовнинг айтишича, бирламчи тиббий муассасаларнинг моддий-техник базаси яхшиланиши аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Шу кунгача туманда 35 минг 600 нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштирилди. Тиббий кўриқ жараёнида соғлом турмуш талаблари, бола парвариши, туғруқлар ораллигини сақлаш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

ПОЛИКЛИНИКАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси "Ўрикзор" филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур поликлиника тумандаги "Ўрикзор" ва "Кўксарой" маҳаллаларининг қарийб ўн етти минг аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Икки қаватли янги бинода бирламчи тиббий-профилактика кўриқларини юқори савияда ўтказиш, фертил ёшдаги аёллар, болалар, ўсмирлар ва катта ёшлиларга замонавий даволаш ёрдами кўрсатиш учун хона шароити яратилган. Кардиология кабинети замонавий ЭКГ, лаборатория хонаси сўнгги русумдаги биокимёвий анализаторлар билан таъминланган.

ЎЗА.



ХАР ЖАБҲАДА СИФАТГА ЭРИШИШ ЗАРУРДИР

Маълумки, газетада «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида туркум материаллар бериб борилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади республика миқёсида туман тиббиёт бирлашмаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, мутахассислар малакасини оширишдан иборат бўлиб, бунинг замирида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш асосий мезон қилиб белгиланган.

Инвестиция дастурига мувофиқ янгитдан қад кўтараётган, реконструкция қилинаётган тиббиёт муассасаларида изчиллик билан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кўлами ва қамрови кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлидаги эзгу ишлардан далолатдир.

Навбатдаги саҳифа «Саломатлик-3» лойиҳаси Наманган ва Андижон вилоятлари туман тиббиёт бирлашмалари фаолиятида қандай ифода топаётганига бағишланади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил бошидан «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида барча туман тиббиёт бирлашмаларига энг замонавий флюорография-рентген аппаратлари, рақамли ультратовуш сканери, биохимик анализатор, функционал монитор каби 96 турдаги тиббий асбоб-ускуналар босқичма-босқич етказиб берилиши арафасида ва ушбу жараён 2018 йилгача давом этади.

Айтиш жоизки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, албатта, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш йўлида давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар кенг яратиб берилган ҳолда олиб борилмоқда.

Инвестиция дастурига киритилган туман тиббиёт бирлашмалари туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида келтирилиши кутилаётган асбоб-ускуналарни жойлаштириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Дарҳақиқат, Инвестиция дастурининг асосий мақсади аҳолига қулайликлар яратиш учун ҳудудий тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлим ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар бир жойда бўлишини таъминлашдан иборатдир. Демак, бир жойнинг ўзида тиббий хизматдан унумли фойдалиш имконияти очилади.

Наманган вилоятининг Янги-қўрғон туман тиббиёт бирлашмасига кириб борганимизда, бу ерда қурилиш ишлари давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Худуд қамровида 192,4 минг аҳоли истиқомат қилади, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Лайло Аҳмедова биз билан суҳбатда. – Инвестиция дастурига асосан ўтган йили шошилиш тиббий ёрдам бўлими реконструк-

циядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кунда туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида қайта таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Режа бўйича ноябрь ойида поликлиника янги кўринишда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, туғруқхона, болалар ва бир қанча бўлимларда ҳам йил бошида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Инвестиция дастури бўйича ажратилган 5 миллиард 350 миллион сўм манзилли сарфланиши назоратга олинган. «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида келтирилиши кутилаётган тиббий жиҳозлар учун махсус хоналар ҳам тайёрланапти.



Мингбулоқ тумани кўп тармоқли поликлиника ташқи кўриниши



Мингбулоқ тумани кўп тармоқли поликлиника ички кўриниши

Бирлашма фаолияти билан танишиш давомида шошилиш тиббий ёрдам бўлимида ҳам бўлиб, бу ердаги кенг шароит ва имкониятлар замон талаблари даражасида эканлигига амин бўлдик. Хизмат сафаримизнинг асосий мақсади – «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида кўзда тутилаётган янги рақамли рентген ва флюорография аппаратлари учун махсус жойлар шай ҳолга келтирилганига ҳам ишонч ҳосил қилиш эди. Шошилиш тиббий ёрдам бўлимида рентген

аппарати учун хона ажратилган, бироқ талабга жавоб бермайди. Флюорография аппарати учун эса реконструкция кетаётган марказий поликлиникадан алоҳида жой тайёрланаётганини айтишди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: замонавий аппаратуралар учун махсус жойлар қандай бўлиши керак? Бу албатта, рентген аппаратлари бераётган фирмаларнинг қўйган талабларига жавоб бера олиши зарур, чунки юқори технологик аппа-



Наманган вилояти

файли соҳа муассасалари замон талаблари даражасида қад кўтариб, янги технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати даражаси яхшиланиб боришига катта имкон туғдирмоқда. Айниқса тиббиёт муассасалари Инвестиция дастурига киритилганлиги узоқ мақсадни кўзлаб қилинган ишларнинг ёрқин ифодаси эканлигини кўриб турибмиз. Дастурнинг яна бир аҳамиятли томони – бирлашма тасарруфидаги бўлимлар бир жойда жойлашаётганлиги. Туман кўп тармоқли поликлиника 250 қатновга мўлжалланган бўлиб, реконструкция, қурилиш ишларига маҳаллий бюджетдан 1,7 миллиард сўм миқдоридан маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, 2012 йилда шошилиш тиббий ёрдам бўлими Инвестиция дастури асосида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилганлиги аҳолини янада мамнун этмоқда. Болалар, юқумли касалликлар, терапия, қабул бўлимларида ҳам Инвестиция дастури бўйича қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Хулоса қилсак, давлатимиз томонидан нимаики қилинаётган бўлса, барчаси инсон саломатлиги, унинг манфаатлари йўлида эканлигини унутмаслигимиз керак. Бунинг учун виждонан ишлаб, давлатимизнинг ҳар бир мулкни кўз қорачигимиздек асрашимиз зарур деб ҳисоблайман.

«Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида кутилаётган рақамли рентген аппаратини жойлаштиришга ажратилган хона билан танишганимизда, бу ерда ҳам камчиликлар борлигига кўзимиз тушди. Туман кўп тармоқли поликлиникасида флюорография

(Давоми 4-бетда).

Янгиқўрғон тумани

ҲАР ЖАБҲАДА СИФАТГА
ЭРИШИШ ЗАРУРДИР

аппарати учун хона ажратилган бўлиб, талаб даражасида эмас.

Хизмат сафари давомида вилоятда Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган қурилиш ишларига эътибор қаратар эканмиз, қурувчиларнинг меҳнати узоқ вақт давом этадиган жараён ўлчовида бўлсада, аммо сифат кўрсаткичлари таъминланиши ҳеч бир мезон билан чекланмаслигини унутмаслик лозимлигини яна бир бор эслатиб ўтишни ўринли деб билдик. Демакки, давлат томонидан ажратилаётган маблағлар тўғри йўналтирилиши учун соҳа мутахассислари ишни ўз маромига етказиши талаб этилади.

Нима учун биз ушбу фикрларни билдирмоқдамиз? Боиси мустақиллик берган имконият туфайли тиббиёт тизимида улкан ютуқларга эришяпмиз. Ўзбекистон тиббиёти жаҳон нигоҳида эътироф этилаётганлиги ҳам барчамизга кундек

(Давоми. Боши 3-бетда).

равшан. Янгидан-яңги лойиҳалар асосида тиббиёт масканлари замонавий қиёфа касб этмоқда. Даволаниш ва ташхис йўналишларига илғор технологиялар жалб этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи, кўрсатилаётган хизмат сифати тобора ошиб бормоқда. Бутун жамият саломатлигига қаратилган Инвестиция дастури ҳам ушбу жараёнлар узлуксиз ва самарали олиб борилишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу каби кенг қамровли ишлар фақат бугунимиз учун эмас, балки ўсиб келаётган фарзандларимиз бахтли келажак учундир.

“Саломатлик-3” лойиҳаси доирасидаги ишлар бундан мустасно эмас. Ушбу лойиҳанинг келгуси режалари туман тиббиёт бирлашма бўлимлари ҳамда ҳудудий кўп тармоқли поликлиникаларни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашдан иборатдир. Демак, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ва Мингбулоқ туман-

лари тиббиёт бирлашмаларида ҳам лойиҳа доирасида кутилаётган янги асбоб-ускуналар учун мўлжалланаётган хоналарни жаҳон стандартларига мос равишда тайёрлаш ишларига эътибор қаратиш муҳимлигини унутмаслик лозим.

Биз айрим камчиликларни тилга олиб ўтганимиз боиси қурилиш ва таъмирлаш ишлари устидан мунтазам назорат қилиб, сифатли яқун-

ланишида тажрибали қурувчиларни жалб этиш ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги зарур деб биламиз.



Янгиқўрғон тумани кўп тармоқли поликлиникасида қурилиш ишлари

Андижон вилояти

ШАРОИТ БОР, ИМКОНИЯТ ҲАМ. ИЖРО ЭСА...

Олтинқўл тумани

Барча вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари қатори Андижон вилояти кесимидаги тизимда ҳам самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Кўплаб тиббиёт муассасаларида ишлар қизгин, замонавий аппаратуралар ҳамда тажрибали мутахассислар билан ҳам таъминлаш масаласи ҳал этилган. Соҳадаги туб ўзгаришлар боис сифатли хизмат кўрсатиб, аҳолининг тиббиётга ишончи, саломатлигига бўлган эътибори ҳам ошиб бормоқда. Албатта, ютуқли натижалар билан бир қаторда камчиликлар ҳам учраб туради.

Маълумки, республика миқёсида “Саломатлик-1, 2” лойиҳалари доирасида амалга оширилган ишлар бирламчи тиббиёт тизими такомиллашу-



Олтинқўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ташқи кўриниши.

лик-3” лойиҳасига доир жараёнлар блан танишдик.

Туман кўп тармоқли тиббиёт муассасида камчиликларга гувоҳ бўлдик. Лойиҳадан келиши кутилаётган замонавий флюорография ва рентген аппаратлари учун махсус хоналар ҳали ажратилмаган. Тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти билан бўлган мулоқотимиз давомида саволларимизга қониқарли жавоб ололмадик.

Бизни ўйлантирган нарса шуки, масалан, бинонинг қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилапти, аммо қимматбаҳо аппаратуралар махсус жойга эга эмаслиги, бўлган тақдирда ҳам, меъёрий талабларга жавоб бермаслиги ажаблантиради. Тузилаётган лойиҳалар ҳар томонлама ҳисобга олиниб, имкониятлар даражасида тўғри режалаштирилиши муҳим эмасми, деган савол ҳам ўйлантиради.

Масалан, келтирилаётган рентген аппарати учун махсус кириш эшиги, бошқарув пультаи, одамларни нурдан ҳимоялаш, шунингдек дастгоҳнинг жойлашуви ноқулайлик туғдирмаслиги керак. Шундай экан, Олтинқўл тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни қўллаш айнаи муддао бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу лойиҳага масъуллар юклатилган вазифага виждонан ёндошиб, аҳоли саломатлиги йўлидаги эзгу ишларда ҳам масъулиятни ҳис этсалар, кўзлаган мақсадларга эришилади.

Балиқчи тумани

Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Чинобод ҳудудий шифохона ҳовлисида ҳам қурилиш ишлари давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Инвестиция дастури асосида давр талабига жавоб бера оладиган шошилиш тиббий ёрдам бўлими ҳамда унинг тасарруфидаги поликлиника фойдаланишга топширилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келаётганлиги ҳам



Балиқчи тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳудудий филиали.

Дил изҳори

Махлиё ҚОРАБОЕВА, уй бекаси:

– Биз туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлимларда яратилаётган барча шароитлардан мамнунмиз. Айниқса Юртбошимизнинг она ва болаларга кўрсатаётган эътибору гамхўрликлари туфайли саломатлигимиз янада мустаҳкамланмоқда. Шифокору ҳамшираларнинг ҳам хушмуомала ва меҳрибонлиги касалликдан тезда фориг бўлиб кетишимизда асосий роль ўйнамоқда. Эътирофлиси, туманимизда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилаётганлиги фарзандларимиз соғлом ўсишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Балиқчи тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида қурилиш жараёни



кутилаётган тиббий жиҳозлар учун хоналарни тайёрлаш режага киритилган. Айни кунларда қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Рентген аппаратларини махсус хоналарга жойлаштириш учун лойиҳага ўзгартиришлар киритилди. Қолган жиҳозлар учун ҳам



Балиқчи тумани кўп тармоқли марказий поликлиниканинг намунавий лойиҳаси

эътиборимизни тортди. Айниқса поликлиниканинг ташқи ва ички кўриниши замон талабларига жавоб бериши, мутахассисларнинг ҳам касбига бўлган муносабати ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмаслиги табиий.

– 250 қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида бугун кунда қурилиш ишлари изчиллик билан олиб борилаётган. Бу албатта, Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган, – дейди биз билан сўхбатда Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Абдурахмон Турғунов. – “Саломатлик-3” лойиҳасидан келиши

бўлимларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мақсадимиз – ишларни муваффақиятли давом эттирган ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлишдир.

Ушбу туман тиббиёт бирлашмасида ҳам “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида ажратилаётган рентген аппаратлари учун махсус жойлар ҳануз тайёр эмаслигига амин бўлдик.



Олтинқўл тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида қурилиш жараёни

вида катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда лойиҳа йўналишида эришилган ижобий ишлар кўзга ташланмоқда.

Инвестиция дастури бўйича ҳам вилоятда бир қатор тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилиб, айримлари талаб даражасида реконструкциядан чиқарилди ва фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги баъзи тиббиёт масканлари 2013 йилнинг Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Олтинқўл тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Хизмат сафаримиз давомида ушбу тиббиёт бирлашмасида бўлиб, “Саломат-

Непрерывное образование

ВОВРЕМЯ ОКАЗАННАЯ ПОМОЩЬ

Для каждого из нас в сложной ситуации важны поддержка, мудрый совет. Если разобраться в жизненных перипетиях нам сможет помочь близкий человек, то вот справиться с возникновением и развитием болезней способен только грамотный специалист. Работники первичного звена системы здравоохранения республики сегодня призваны оказывать всестороннюю помощь пациентам, а также делать акцент на профилактику различных недугов и пропаганду здорового образа жизни среди населения.

Повышать уровень их подготовки, помогающий идти в ногу с передовыми достижениями медицины, учить вовремя протягивать людям руку помощи, не допуская прогрессирования страшных недугов, – эти и многие другие задачи стоят перед сотрудниками Ташкентского института усовершенствования врачей, на базе которого действуют кафедры подготовки и переподготовки врачей общей практики (ВОП). Программы, реализуемые кафедрами, осуществляются в рамках проекта «Здоровье». Очередная тематическая программа обучения с использованием компьютерных технологий поможет повысить уровень знаний почти сорока врачей общей практики со всех уголков республики.

... Молодой врач внимательно изучает глазное дно пациента, проверяет чувствительность зрачка к свету, ставит диагноз, дает рекомендации. Казалось бы, привычная картинка из будней медицинского работника. Но на сей раз врач – пока ученик, пациент муляжный, а за ходом действия посредством видеопроектора и встроенного в имитированном кабинете микроскопа следят наставники – сотрудники кафедры переподготовки ВОП ТашИУВ. Такая интерактивная форма обучения помогает максимально приблизить обучаемого к реальной ситуации, когда он остается один на один с обратившимся к нему за помощью человеком.

Еще одно новшество кафедры – система видеоконсультации. Здесь в роли зрителей выступают врачи общей практики, внимательно следящие за ходом консультации работника ТашИУВ, которую он дает уже реальному пациенту. Подобная практика, кстати, становится возможной только с согласия больного.

